

*ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЮРИДИК УНИВЕРСИТЕТИ*

**6-Мавзу:
Маҳаллий ижро ҳокимияти
органлари**

РЕЖА:

1. Ҳоким маҳаллий вакиллик ва ижро ҳокимиятининг бошлиғи.
2. Ҳокимнинг Халқ депутатлари Кенгашлари билан ўзаро муносабати. Ҳокимнинг иш фаолият шакли. Ҳокимни маслаҳат Кенгаши.
3. Ҳоким котибияти.
4. Ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатлар. Ҳокимлар томонидан қабул қилинадиган ҳужжатларнинг ҳуқуқий экспертизаси. Ҳокимнинг ваколатлари.
5. Ҳудудда жойлашган юқорига бўйсинувчи ташкилот, корхона, муассасалар билан ҳоким муносабати.

“

Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги Қонуннинг 25-

моддасига мувофиқ вилоят, туман ва шаҳар ҳокими

- қонунларнинг ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларининг, юқори турувчи органлар ва тегишли маҳаллий Кенгаш қарорларининг ижросини ташкил этади;
- жамоат тартибига риоя этилиши ва жиноятчиликка қарши кураш, фуқароларнинг хавфсизлигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш ва саломатлигини муҳофаза этиш билан боғлиқ чора-тадбирлар кўради, табиий офатлар, эпидемиялар ва бошқа фавқулодда ҳолларда тегишли ишларни ташкил этади;

- вилоят, туман ва шаҳарни иқтисодий ва ижтимоий ривожлантиришнинг асосий йўналишларини, вилоят, туман, шаҳар бюджетининг асосий кўрсаткичларини ва уларнинг ижросига доир ҳисоботларни маҳаллий Кенгашнинг тасдиғига тақдим этади;
- ўз ўринбосарлари ва ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг раҳбарларини лавозимга тайинлаш ва лавозимдан озод этиш тўғрисидаги қарорларни маҳаллий Кенгаш тасдиғига тақдим этади;
- ҳокимлик девони бўлинмалари раҳбарларини лавозимга тайинлайди ва лавозимдан озод қилади;

қўйи турувчи ҳокимларнинг қарорларини, башарти улар Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига, қонунларига ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталари, Ўзбекистон Республикаси Президенти, Вазирлар Маҳкамаси ҳужжатларига, шунингдек юқори турувчи маҳаллий Кенгаш ва ҳокимнинг қарорларига зид бўлса, бекор қилади ва маҳаллий Кенгашга қўйи турувчи маҳаллий Кенгашларнинг ҳужжатларини бекор қилиш тўғрисида тақдимнома киритади;


раҳбарлари тегишли маҳаллий Кенгашлар томонидан лавозимга тайинладиган ва лавозимдан озод этиладиган ижроия ҳокимияти структура бўлинмаларининг ишини назорат қилади;

маҳаллий Кенгаш ва ҳоким қабул қилган ва чиқарган ҳужжатларни бажармаганликлари учун мансабдор шахсларни интизомий жавобгарликка тортиш тўғрисида қонунда белгиланган тартибда тақдимнома киритади;

давлат мукофотлари билан тақдирлашга доир илтимосномаларни қараб чиқади ва таклифлар киритади;

республика ва хорижда вилоят, туман ҳамда шаҳарнинг расмий вакили сифатида иш кўради;

аҳолини қабул қилишни ташкил этади, фуқароларнинг шикоятлари, аризалари ва таклифларини қараб чиқади.



ҲОКИМ

Ёрдамчи — 1

I гуруҳ

Котиба — иш юритувчи 1

Ҳокимнинг капитал қуришиш, коммуналхўжалик ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари

1

Ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари (иқтисодиёт, таълим, соғлиқни сақлаш, маданият)

1

Ҳокимнинг ўринбосари — хотин-қизлар қўмитаси раиси

1

Бош мутахассис — 1,
1-тоифали мутахассис — 1

2

Котибият:

Бош мутахассис — 1,
етақчи мутахассис — 1,
1-тоифали мутахассис — 1

3

Котибият:

Бош мутахассис — 1,
етақчи мутахассис — 1,
1-тоифали мутахассис — 1

3

Ташқиқот-назорат гуруҳи
гуруҳ раҳбари — 1,
етақчи мутахассис — 1,
1-тоифали мутахассис — 1

3

Факулдада вазиятлар ва сафарбарлик ишлари бўйича мутахассис

1

Спорт ишларини ташқиқот этиш ва ривожлантириш масалалари бўйича етақчи мутахассис

1

Волга етмаганлар ишлари бўйича комиссиянинг масъул котиби

1

Юрист

1


Бухгалтерия

2

Иш юритиш бўлимаси


2

Бундан ҳоким ва маҳаллий Кенгаш ўртасидаги муносабатларни қуйидаги учта асосий жиҳатини кўрсатиш мумкин:



Ҳоким маҳаллий Кенгаш сессиясида раислик қилиб, уни самарали ўтказишга хизмат қилади. Намунавий Регламентнинг 18-моддасига кўра халқ депутатлари Кенгашнинг сессиясида раислик қилувчи:

- сессия мажлисининг умумий боришига раҳбарлик қилади, ушбу Регламентга риоя этилишини таъминлайди;
- маърузачи ва қўшимча маърузачиларга ҳамда музокарада сўзга чиқувчиларга навбати билан сўз беради;
- зарур ҳолларда сўзга чиқиш навбатини сабабини тушунтирган тарзда алмаштириши мумкин;
- муҳокама қилинаётган масала юзасидан хоҳлаган пайтда сўзга чиқиши мумкин;
- Регламентда белгиланган тартибни кўпол равишда бузишга йўл қўйган депутат ёки иштирокчини тартибга чақиради. Улар томонидан бу йўсиндаги хатти-ҳаракат такрорланган тақдирда залдан чиқариб юбориш чорасини кўриши мумкин;



депутатларнинг ёзма сўровлари, аризалари, таклифлари, фикр-мулоҳазаларини ўқиб эшиттиради;

депутат сўрови юзасидан сўзга чиқиш, савол, таклиф, фикр-мулоҳаза, шунингдек сессияни олиб бориш тартиби бўйича эътирозлар билдириш учун, қарор лойиҳаларига тузатиш, овоз бериш масаласи бўйича таклифлар киритиш учун депутатга унинг илтимосига кўра сўз беради;

муҳокама якунида қарор лойиҳаларини овозга қўяди ва овоз бериш натижаларини эълон қилади;

маҳаллий Кенгаш сессиясида қабул қилинган қарорларни, сессия баённомалари ва стенограммаларни имзолайди;

муҳокама жараёнида сўзга чиққан депутат ёки иштирокчилар фикрини бирон-бир тарзда баҳолаш ёки шарҳлашдан, шунингдек қарор қабул қилишда тазйиқ ўтказишдан ўзини тийиши лозим.



2. Ҳоким фаолиятининг шакл ва услублари

- Ҳоким, ҳокимнинг биринчи ўринбосари, ўринбосарлари, котибият ва гуруҳ раҳбарлари, ишлар бошқарувчиси, шунингдек хизмат ва бўлимлар ўртасидаги вазифалар тақсимооти ҳокимлик аппаратини бошқаришнинг кенг қўлланиладиган шаклидир.

Ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари:

- - Ўзбекистон Республикаси Президентининг Фармонлари, қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари юзасидан қабул қилган қарорлари, фармойишлари, йиғилиш баённомалари ва бошқа раҳбарлик ҳужжатларнинг ижросини ташкил қилади ҳамда бажарилишини назорат қилиб боради;
- - капитал қурилишда иқтисодий ислохотларни амалга ошириш, лойиҳалашнинг замонавий услубларини жорий этиш, пудрат ишлари бозорини шакллантириш ва қурилиш материаллари савдоси улгуржи бозорлари мониторингини амалга ошириш масалалари билан шуғулланади;
- - шаҳарсозлик ҳужжатлари, шу жумладан шаҳарлар, шаҳар типигадаги поселкалар ва қишлоқ аҳоли пунктларининг бош режалари, муфассал режалаштириш лойиҳалари ишлаб чиқишни ташкил қилади;
- ;

- - коммунал хизмат кўрсатиш соҳасида иқтисодий ислоҳотларнинг жорий қилинишини ташкил қилади, истеъмолчиларни электр энергияси, табиий газ ва ичимлик суви, иссиқ сув ва иссиқлик энергияси билан таъминлашни яхшилаш бўйича доимий иш олиб боради;
- - ёқилғи-энергетика, нефт ва газ саноати корхоналари ҳамда бошқа бириктирилган корхона ва ташкилотларда иқтисодий ислоҳотларни изчиллик билан амалга оширилишини таъминлайди;
- - автомобил йўлларидадан фойдаланиш ва таъмирлаш, уларни қуриш ва молиялаштиришда, транспорт ва алоқа соҳаларида бозор мунособатларини жорий қилиш ва ислоҳотларни чуқурлаштиришни мувофиқлаштиради, йўл ҳаракати ҳавфсизлигини таъминлашни ташкил этади

- пудратчи ташкилотлар ва қурилиш индустрияси корхоналарининг ишлаб чиқариш ва иқтисодий салоҳиятини ривожлантириш ҳамда мустаҳкамлаш масалалари билан шуғулланади;

- касб-ҳунар коллежлари, академик лицейлар, умумтаълим объектлари ва Болалар спортини ривожлантириш Жамғармаси иншоотлари ҳамда муҳим халқ хўжалиги аҳамиятига эга бўлган қурилишларнинг боришини назорат қилади;

- иккиламчи қора металл ва рангли металл парчаларини йиғиш ва давлатга топширишни таъминлайди ва назорат қилади;

- ҳудуд маркази, туманлар марказлари, қишлоқлар ва аҳоли пунктларини ободонлаштириш ва кўкаламзолаштириш ишларини мувофиқлаштиради;

- қишлоқ аҳолисининг тоза ичимлик суви ва табиий газ таъминотини яхшилаш чораларини кўради;

- бириктирилган соҳаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш ва улардаги аҳволни танқидий таҳлил қилиш, кадрларни танлаш, тарбиялаш ва ўқитиш масалалари билан доимий шуғулланади.

-қишлоқ хўжалигида иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш дастурларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, соҳаларни ривожлантириш истиқболларини аниқлаш;

-қишлоқ хўжалиги товар ишлаб чиқарувчилари ва уларнинг ҳамкорлари ўртасида мулк шаклини ва иқтисодий ўзаро муносабатларни такомиллаштириш;

-хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, қишлоқда бозор тузилмаларини шакллантириш, деҳқон ва фермер хўжаликларини ривожлантириш;

-ерлардан оқилона ва самарали фойдаланиш, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, сув хўжалиги хавза тизими ва қурилиши ташкилотларини қўллаб-қувватлаш;

-соҳада ягона техник ва технологик сиёсатни амалга ошириш, фермер хўжаликларига минитехнологияларни олиб келинишини ташкил этиш, қишлоқ хўжалигида фан ва техника ютуқларига асосланиб янги илғор технологияларни жорий қилиш;

-қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини қайта ишловчи корхоналар ишларини такомиллаштириш;

-табиатни муҳофаза қилиш йўналишлари бўйича мувофиқлаштиради.

Ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари:

-Ўзбекистон Республикаси Президентининг фармон ва қарорлари, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ва ҳудуд ҳокимлигининг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича қабул қилинган қарорлари, фармойишлари, йиғилиш баёнлари ва бошқа раҳбарлик ҳужжатларининг ижросини таъкил қилади ҳамда бажарилишини назорат қилиш;

-соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш ва ривожлантириш;

-кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амалга оширилишини таъкил этиш;

-таълим соҳасида туб ислоҳотларни амалга ошириш, таълимни жаҳон андозалари талаблари даражасига етказиш, мактаблар моддий-техника базасини мустаҳкамлаш;

-илм-фан ва техника соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш;

-оммавий жисмоний тарбия ва профессионал спортни ривожлантириш;

-маданий қадриятлар ва ёдгорликларни сақлаш ва ривожлантириш, ҳудуд аҳолисининг маданий даражасини ошириш;

-туризм инфратузилмасини ривожлантириш ва такомиллаштириш;

-Ўзбекистон Республикасининг “Ўзбекистон Республикаси Давлат тили тўғрисида”ги Қонунини бажариш бўйича тадбирлар дастури ижросини таъминлаш;

-худуд бюджетини ишлаб чиқиш ва ижросини назорат қилиш. Пул-кредит, солиқ сиёсатини амалга ошириш, тўлов ва молиявий балансларни назорат қилиш;

-тадбиркорликни қўллаб - қувватлаш. Хусусийлаштириш ва давлат тасарруфидан чиқариш, кичик бизнесни ривожлантириш;

-корхоналарни молиявий соғломлаштириш ва уларни модернизация қилиш бўйича дастурлар ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, зарар билан ишлайдиган ва истиқболсиз корхоналарни тугатиш, уларнинг фаолият турларини ўзгартириш;

-аҳолига савдо ва маиший хизмат кўрсатиш, халқ истемоли моллари ишлаб чиқариш ва аҳолини бу маҳсулотлар билан узлуксиз таъминлаш йўналишларини мувофиқлаштириш;

-худуднинг экспорт имкониятларини ривожлантириш, хорижий инвестицияларни жалб қилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш ва маҳаллий хом-ашё нағизида тайёр маҳсулотлар, бутловчи буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш;

-аҳолини иш билан таъминлаш ва бандлигини ошириш, ижтимоий ҳимояни ривожлантириш;

-иқтисодиётни ривожлантириш бўйича қабул қилинган мақсадли Дастурларнинг бажарилишини таъминлаш;

-макроиқтисодий кўрсаткичлар ва ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш истиқболларини ишлаб чиқиш, иқтисодий ислохотларни чуқурлаштиришнинг аниқ йўналишлари ва услубларини аниқлаш, худуд иқтисодиётини бозор механизмларига асосланиб бошқарилишини таъминлаш ишларини мувофиқлаштириш каби вазифаларни амалга оширади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 3 январда қабул қилинган “Маҳаллий ижро этувчи ҳокимият органларининг тузилмасини такомиллаштириш борасидаги қўшимча тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-1456-сонли Қарори билан *Ҳокимнинг жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотлар билан алоқалар бўйича ўринбосарлари* зиммасига қуйидаги вазифалар юкланган:

-миллатлараро тотувликни, диний бағрикенгликни таъминлаш ва янада мустаҳкамлаш ҳамда диний экстремистик мафкуранинг тарқалишига йўл қўймаслик бўйича чора-тадбирларни амалга оширишда тегишли маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг фаолияти ва баҳамжиҳат ҳаракатини мувофиқ лаштириш;

-маданий мерос объектларини сақлаш масалаларида тегишли маҳаллий давлат ҳокимият органлари, жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг биргаликдаги ҳаракатлари;

-жойларда “Хаж” ва “Умра” тадбирларини ташкил этиш бўйича фаолиятни мувофиқлаштириш;

-Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги билан ҳамкорликда жамоат ташкилотлари ва диний ташкилотларнинг Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига риоя этиш.


Ҳокимнинг ўринбосари – хотин-қизлар қўмитаси раиси:

-хотин-қизларнинг ижтимоий-ҳуқуқий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, аёлларни касбий, жисмоний, маънавий-ахлоқий ривожлантириш соҳасида давлат сиёсатини амалга ошириш, уларнинг социал ва ижтимоий-сиёсий фаоллигини ошириш бўйича амалий чора-тадбирларни ишлаб чиқиш;

-самарали мониторингни амалга ошириш ва нодавлат нотижорат ташкилотларининг хотин-қизларни жамиятдаги маъқеини яхшилаш, уларнинг ҳуқуқий онгини ва ижтимоий ҳимояланиш даражасини ошириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишга қаратилган фаолиятини мувофиқлаштириш, ҳудудлар ва хорижий мамлакатлар хотин-қизлар ташкилотларининг ижобий иш тажрибасини оммалаштириш;

-хотин-қизларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш бўйича давлат дастурларининг амалга оширилишида қатнашиш, соғлом оилани шакллантириш масалалари бўйича давлат ва жамоат ташкилотлари билан ўзаро ҳамкорлик қилиш, аёллар ва оила спортини ривожлантиришга кўмаклашади, соғлом турмуш тарзини ташкил этади;

-жойларда (оилада, маҳаллаларда, меҳнат жамоаларида) хотин-қизларнинг диний таълимини, бузғунчи кучларнинг хотин-қизлар онгига таъсир ўтказиш, уларни экстремистик ва террористик фаолиятга жалб этиш йўлидаги уринишларига қарши самарали курашиш ишларини ташкил этиш;




-хотин-қизларни иш билан таъминлаш масалаларини ҳал этишда, уларнинг меҳнат шароитларини, айниқса қишлоқ жойларда яшилаш, корхоналарда муассасаларда ва ташкилотларда уларнинг ижтимоий химояланганлик даражасини ошириш, уларни тадбиркорлик фаолиятига жалб этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқади ва амалга ошириш;


-истеъдодли ёшларни аниқлаш, кадрлар захирасини шакллантиришда хотин-қизлардан номзодлар тавсия этиш, меҳнатда ва ижтимоий фаолиятда катта ютуқларга эришган хотин-қизларни давлат мукофотлари билан тақдирлашга тавсия этиш;

-бириктирилган соҳаларда ижро интизомини мустаҳкамлаш чораларини ташкил қилади ва улардаги аҳволни таҳлил қилиб боради.

Ҳокимлик аппарати фаолияти ҳудудни иқтисодий-ижтимоий
ривожлантиришнинг истиқболга ва бир йилга мўлжалланган мақсадли
дастурлари асосида тузиладиган **бир йиллик иш йўналишлари, чораклик
иш режаларига** мувофиқ олиб борилади.

Ҳокимлик иш режасида қуйидаги масалалар назарда тутилади:





-худуд да, худудларда иқтисодий ислохотларнинг боришини таҳлил қилиш;

-ҳокимлик ҳузуридаги комиссиялар, кенгашлар ва ишчи гуруҳлар фаолиятини ташкил этиш ва мажлисларини ўтказиш;

-худуд ҳокимлик соати мажлисларини ўтказиш;


-назорат ва ижро;

-фуқароларнинг мурожаатлари билан ишлаш.


Ҳоким раҳбарлигида, одатда, қуйидаги асосий йиғилиш ва тадбирлар тасдиқланган жадвал асосида ўтказилади:




1. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш ва ислохотларнинг боришини баҳолашга бағишланган, ҳар бир чорак ва йил якунлари бўйича ўтказиладиган худуд фаоллари йиғилиши.



2. Худудни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга оид масалаларнинг тезкор муҳокамасига бағишланган, ҳар ойнинг охири душанба кунини ўтказиладиган ҳокимлик соати йиғилиши.




3. Ҳар ойда ўтказиладиган «Кадрлар куни» тадбирлари.



4. Ҳар ойда ўтказиладиган «Мактаблар куни» тадбирлари.



5. Ҳар ойда ўтказиладиган кичик ва ўрта бизнес ҳамда хусусий тадбиркорликни ривожлантиришни рағбатлантириш бўйича мувофиқлаштириш Кенгаши йиғилиши.



6. Назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи худуд комиссиясининг йиғилишлари.



7. Ҳар чоракда ўтказиладиган корхоналарнинг молиявий-иқтисодий ахволини барқарорлаштириш, иқтисодий ночор, паст рентабелли корхоналарни аниқлаш ва уларни соғломлаштириш, таркибий ўзгартириш ёки тугатиш асосида самарали рақобатга қодир бўлган ишлаб чиқаришларни ташкил этиш бўйича тегишли худуд ташкилотлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш йиғилишлари.

8. Ҳар ойда «Болалар спортини ривожлантириш» жамғармаси ҳудуд филиали ҳомийлик Кенгаши йиғилиши.

9. Ҳар чорақда ўтказиладиган “Маънавият ва маърифат” масалалари бўйича кенгаш йиғилишлари

10. Ҳар ойда ўтказиладиган «Маънавият ва маърифат куни» тадбирлари.

11. Ҳар ойда ўтказиладиган топонимик объектларга ном бериш масалаларини мувофиқлаштирувчи ҳудуд комиссияси йиғилишлари.

12. Ҳокимлик аппарати йиғилиши.

13. Ер участкаларини бериш (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи ҳудуд комиссияси йиғилишлари.

Худуднинг ижтимоий-сиёсий, иқтисодий ҳаётидаги муҳим ва долзарб масалаларни муҳокама қилиш, мавжуд муаммоларни тезкорлик билан ҳал қилиш, кейинги ойдаги вазифаларни белгилаш мақсадида *ҳокимлик соати йиғилиши* ўтказилади. Йиғилишга ҳоким раислик қилади.

Ҳокимлик соати йиғилишига қуйидаги масалалар қоида тариқасида киритилади:

-кадрлар масалалари;

-худуд ни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг ойлик яқунлари ва келгуси ойдаги вазифалар;

-Ўзбекистон Республикаси Қонунлари, Президент фармонлари, қарорлари, фармойишлари ва ҳукумат қарорлари ижросининг ҳолати;

-ҳудудларда ва тармоқларда иқтисодий
ислоҳотларнинг бориши;

-ҳудуд ҳокимлигига келган фуқаролар
муурожаатлари билан ишлашнинг ойлик таҳлили;

-назорат ва ижронинг ҳолати;

-долзарб масалалар.

Маънавият ва маърифат масалалари бўйича кенгаш;

Вояга етмаганлар ишлари бўйича комиссия.

Назорат органлари фаолиятини мувофиқлаштирувчи кенгаш;

Ҳоким қўйидаги комиссиялар ва кенгашлар ишига раҳбарлик қилади:

Аҳоли ва ҳудудларни сел, сув тошқини, қор кўчкиси ва кўчки ходисалари билан боғлиқ фавқулодда вазиятларни олдини олиш бўйича комиссия;

Гиёҳванд моддаларни назорат қилиш бўйича комиссия;

Кадрлар тайёрлаш Миллий дастури амал қилиши бўйича комиссияси;



**3. Ҳокимлик бошқарув
аппарати**

Ҳокимлик бошқарув аппарати:

-соҳалар ва ҳудудларда ўтказилаётган ислохотларни чуқурлаштириш юзасидан ишлаб чиқилган мақсадли дастурларнинг амалда бажарилишини таъминлайди;

-ҳокимлик муҳокамасига киритилаётган ҳужжатлар лойиҳаларини белгиланган муддатда ишлаб чиқилишини ташкил қилади. Юқори ташкилотлар ҳамда ҳоким қарор ва фармойишларининг маҳаллий бошқарув органлари ҳамда идоралари томонидан ўз вақтида бажарилишини таъминлайди ва назоратини ташкил қилади;

-бўлим, гуруҳ ва котибият ваколатига тааллуқли масалалар бўйича таҳлилий ҳужжатларни тайёрлайди ва ҳокимликка тушган ахборот, таклиф ва мулоҳазаларни умумлаштиради.

Ҳокимнинг капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал хўжалиги ва ободонлаштириш масалалари бўйича биринчи ўринбосари ҳудуд капитал қурилиш, коммуникациялар, коммунал, хўжалиги ва ободонлаштириш мажмуига раҳбарларик қилади ва ҳоким бўлмаган вақтда унинг вазифасини бажаради, ҳудуд ҳокимлиги аппаратини бошқаради. Маҳаллий Кенгашнинг Саноат, транспорт, қурилиш, алоқа ва аҳолига хизмат кўрсатиш ҳамда Коммунал хўжалик ва атроф муҳитни муҳофаза қилиш доимий комиссиялари билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳокимнинг қишлоқ ва сув хўжалиги масалалари бўйича ўринбосари ҳудуд қишлоқ ва сув хўжалиги мажмуига раҳбарларик қилади. Қишлоқ ва сув хўжалиги тизимининг экспорт имкониятларини ошириш, ва чет эл инвестицияларини жалб қилиш масалалари билан фаол шуғулланади. Маҳаллий Кенгашнинг аграр ва сув хўжалиги масалалари доимий комиссияси билан ҳамкорликда иш олиб боради.

Ҳокимнинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш масалалари бўйича ўринбосари ҳудуднинг иқтисодиёт ва ижтимоий ривожлантириш мажмуига раҳбарликни амалга оширади, тизимдаги ташкилотлар, идоралар ва муассасалар фаолиятини мувофиқлаштиради.

